



А Ж Р И М

(Аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Шахрисабз шаҳри 2022 йил 26 сентябр [REDACTED]-сонли иш

Шахрисабз туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.Қурбонов, судья ёрдамчиси Р.Остоновнинг котиблигида, [REDACTED] (2022 йил 26 сентябрдаги 22-79069-сонли ишончномага асосан)лар иштироқида, [REDACTED] нисбатан берган аризаси асосида қўзғатилган [REDACTED]-сонли иқтисодий ишини Шахрисабз туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] (матнда – аризачи деб юритилади), [REDACTED] (матнда - жавобгар деб юритилади)га нисбатан ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан 1 997 849 688,9 сўм миқдорида жарима қўллаб беришни сўраган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси(матнда – ИПК деб юритилади)нинг 170-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакиллари судга берган кўрсатувида, аризани қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи аризачи вакилларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, қуйидагиларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, суд иш юритувида [REDACTED]-сонли иқтисодий банкротлик иши мавжуд бўлиб, мазкур иш юзасидан 2022 йил 21 сентябрда қабул қилинган ҳал қилув қарорига кўра қарздор аризачининг аризасига асосан соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилиб, банкротликнинг тугатишга доир иш юритиш бошланган.

ИПКнинг 107-моддаси, биринчи қисмининг 9-бандида, жавобгарга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва жавобгарга нисбатан тақдим этилган талаб қонунга кўра банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилиши лозим бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради деб белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд аризачининг аризасини кўрмасдан қолдиришни, аризачи томонидан олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажатини ўз зиммасида қолдиришни, аризачи давлат божи тўлашдан озод эканлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганларга асосан, шунингдек ИПКнинг 107-моддаси биринчи қисмининг 9-банди ва 195-моддасига асосланиб, суд-

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Аризачининг аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Аризачи томонидан олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати ўз зиммасида қолдирилсин.

Ажримдан норози бўлган томонлар бир ой муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ажрим устидан шикоят қилиши (протест келтириши) мумкин.

Судья

О.Қурбонов